



## THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF THE CONCEPT OF POVERTY

*Nozimjon Q. Kholmurodov*

*Researcher*

*Bukhara State University*

*Bukhara, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** reforms, state of poverty, national mentality, study of experience of countries, national education

**Received:** 26.08.22

**Accepted:** 28.08.22

**Published:** 30.08.22

**Abstract:** Special attention is being paid to adaptation of citizens to social, economic, and legal norms through communication with the people, which is the basis of reforms in our country. President Shavkat Mirziyoev said, "The greatest wealth is intelligence and knowledge, the greatest inheritance is good education, and the greatest poverty is ignorance. Therefore, for all of us, mastering modern knowledge, becoming the owner of true enlightenment and high culture should become a continuous vital need. Studying and reducing poverty in Uzbekistan requires specific measures. It is very important to study the experience of developed countries, analyze it, analyze factors such as the national mentality of our people, national education, social goals, natural conditions, climate, religious beliefs, and periodic changes.

### КАМБАҒАЛЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОГИК АСОСЛАРИ

*Нозимжон Қ. Холмуродов*

*Тадқиқотчи*

*Бухоро давлат университети*

*Бухоро, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ислохотлар, камбағаллик ҳолати, миллий менталитет, давлатлар тажрибасини ўрганиш, миллий тарбия

**Аннотация:** Мамлакатимизда ислохотларнинг негизи бўлган халқ билан мулоқот орқали ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий меъёрларга фуқароларнинг мослашиши ва кўникма ҳосил қилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Энг катта бойлик – бу ақл заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта кашшоқлик бу билимсизликдир. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”, - деб таъкидлаган эдилар. Ўзбекистонда камбағаллик ҳолатини ўрганиш ва қисқартириш аниқ чоратадбирларни талаб қилади. Бунда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, уни таҳлил қилиш, халқларимиз миллий менталитети, миллий тарбия, ижтимоий мўлжаллар, табиий шарт-шароит, иқлим, диний эътиқод, даврий ўзгаришлар каби омилларни таҳлил қилиш ўта муҳим масала ҳисобланади.

---

## ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КОНЦЕПЦИИ БЕДНОСТИ

*Нозимжон К. Холмуродов*

*Исследователь*

*Бухарский государственный университет*

*Бухара, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** реформы, бедность, национальный менталитет, изучение опыта стран, национальное образование

**Аннотация:** Особое внимание уделяется адаптации граждан к социальным, экономическим и правовым нормам через общение с народом, что является основой реформ в нашей стране. Президент Шавкат Мирзиёев сказал: «Самое большое богатство — это ум и знания, самое большое наследство — это хорошее образование, а самая большая бедность — это невежество. Поэтому для всех нас овладение современными знаниями, становление обладателем истинного просвещения и высокой культуры должно стать постоянной жизненной потребностью. Изучение и сокращение бедности в Узбекистане требует конкретных мер. Очень важно изучать опыт развитых стран, анализировать его, анализировать такие факторы, как национальный менталитет нашего народа, национальное образование, социальные цели, природные условия, климат, религиозные убеждения, периодические изменения.

## КИРИШ

Камбағаллик тушунчасига методологик ёндашувлар таҳлили чуқур ва изчил изланишларни талаб қилади. Чунки, узок даврни ўз ичига олган, назарий қарашларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб турадиган, турли халқлар, этнослар, гуруҳлар, динлардаги ўзига хос қадриятлар, табиат, иқлим таъсири, рационал, эмоционал ва синтетик тафаккур, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ёндашувларини ўз ичига қамраб олади.

Тарихий таҳлиллар шуни кўрсатадики, барча жамиятларда трансформацион жараёнлар, ўзгаришлар, одамларнинг турмуш шароитини ўзгаришига олиб келган омиллар, бозор муносабатларига ўтишда устун қадриятлар ҳақидаги ғояларнинг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Ўтмишга баҳо бериш ҳалоллик, одоб-ахлоқ, меҳнатсеварлик каби тушунчалар билан боғлиқ бўлса, ижтимоий муносабатларнинг ҳозирги ҳолати бойликнинг мавжудлиги ва ҳокимиятга эга бўлиши, амалдорлар аппаратида ишлаши билан характерланади. Бугунги кунда ижтимоий муҳит асосан пул руҳи билан тўйинган шаклда намоён бўлаётгандек.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Моддий манфаат ва эҳтиёжлар нафақат билимни, балки меҳнатсеварлик, ҳалоллик, этикет, сезгирлик, маънавият, адолат ва бошқа кўплаб жиҳатларни ҳам қамраб олади. Истеъмолчилик ва пул йиғиш руҳи олдинги ахлоқий мувозанатларни сиқиб чиқарди ёки минимал даражага туширганлигини кузатиш мумкин.

Инсоннинг ривожланиши ва фаолиятининг самарадорлиги нафақат жамиятнинг у ёки бу фазилатларини рўёбга чиқаришга бўлган объектив эҳтиёжга, балки ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини ўзи англаш учун қулай шарт-шароитлар даражасига ҳам боғлиқлиги узок вақтдан бери исботланган. Шахснинг билим, тажриба, касбий тайёргарлик, ижодий қобилиятларига маълум даражада талабни таъминлайдиган ижтимоий механизм самарадорлиги инсон капиталининг ошишига олиб келади. Тўғридан-тўғри аниқ ташкилий тузилмалар фаолиятида объектив ижтимоий эҳтиёжни амалга оширишни таъминлайдиган ишончли ижтимоий механизмнинг йўқлиги ташаббус ва ижодкорликнинг намоён бўлишига истеъмолчиликнинг ўсиши, осон бойитиш иллюзияси билан сезиларли даражада тўсқинлик қилишига олиб келади.

Янги Ўзбекистон жамиятининг моддий табақаланиши объектив равишда бойларнинг нисбатан кичик қатлами ва жуда кўп камбағал одамларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Камбағалликни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бундай ҳолатнинг вужудга келиши ўз-ўзидан аён, чунки камбағаллик олиб келадиган қашшоқлик инсон ҳаётининг барча жабҳаларига сезиларли даражада таъсир қилади ва унинг экстремал шаклида шахснинг йўқ қилинишига олиб келади.

Ҳар бир жамиятнинг иқтисодий юксалиши ва мамлакат фаровон ҳаётининг тараққий этишида тадбиркорлик фаолияти муҳим аҳамиятни касб этади. Чунки, тадбиркорлик фаолияти инсонларга келажак сари интилиш учун кўшимча мотивация берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Дастлаб мулк ва унга эгалик қилиш ижтимоий характерга эга бўлган бўлиб, ҳар қандай мулк жамоанинг мулки ҳисобланган. Сабаби, жамоанинг иқтисодий асосини ўзлаштирувчи хўжалик ташкил қилиб, асосан одамлар деҳқончилик ва чорвачилик фаолияти билан шуғулланишган. Вақтлар ўтиб уруғчилик жамиятининг тараққий этиши ижтимоий ҳаётда меҳнат тақсмотини вужудга келтирди, натижада, деҳқончиликдан янги соҳа ҳунармандчилик ажралиб чиқди. Марказий Осиё халқларининг қадимги қўлёзмаси ҳисобланган “Авесто” китобида ҳам тадбиркорлик ҳақида алоҳида маълумот берилган. Бизга маълумки, “Авесто” нафақат диний балки, халқлар тарихидан сўзловчи манба бўлиб, унда Турон халқларининг деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганликларидан ҳам дарак беради.

Жумладан, жамиятнинг таркибий тузилиши тўғрисида бир қатор фикрлар ёзилган. “Қадимги деҳқончилик минтақаларида дастлаб бошқарув тизимининг тепасида коҳинлар турган. Улар “чорва ва яйлов эгаси”. Жангчи аскарлар бу орийлар бўлиб, коҳинлардан кейинги мулк эгалари ҳисобланган». Бу мамлакатимиз ҳудудларида қадимдан мулккий муносабатлар мунтазам равишда тартибга солиб турилганлигини англатади. Шу билан бирга, халқаро савдо йўллари ҳам ватанимиз ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятининг тараққий этишида муҳим ўрин тутган. Хусусан, Буюк Ипак йўли шарқ ва ғарб цивилизациясини бир-бирига боғловчи кўприк вазифасини бажарган бўлса, бу бевосита тадбиркорлик фаолияти тараққиётида муҳим роль ўйнади. Шунингдек, аجدодларимизнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартиб-қоидалари ҳақида миллий ислом динимизда ҳам мукамал баён этилганлигини кўришимиз мумкин. Ислום динининг асосий манбаси Қуръони Каримнинг кўплаб оятларида мулк, мулккий муносабатлар, тадбиркорлик, савдо ва бошқа турли иқтисодий муносабатлар тўғрисидаги қарашлар ёзилган. Хусусан, Қуръони Карим инсонларни ҳалол меҳнат қилишга, тежамли бўлишга, меҳру шавқатга, ҳалолликка ундайди. Шунингдек, у инсонларни барча моддий неъматлардан, ресурслардан (ердан) унумли фойдаланишга чорлаган. Қуръони Каримда ҳар қандай иқтисодий ҳисобланган мулкчиликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Ислוםда мулк тушунчаси, унинг моҳияти одамлар кўлидаги бойлик-бу Аллоҳнинг бойлиги, одамлар эса фақат унинг ердаги боқувчилари эканлигини тан олишдан иборат.

**ХУЛОСА**

Ижтимоий нуқтаи назардан адолатли жамият ўрта қатламлари кўп бўлган, улар билан юқори қатламлар ўртасидаги ижтимоий масофа кичик, аҳолининг ҳаракатчанлик, фаоллик даражаси юқори, қуйи қатламлар учун ижтимоий ҳимоя мавжуд бўлади. Камбағаллар ва бойлар ўртасидаги тафовутнинг катта эканлиги, жамиятнинг бойлик ва бизнес, молиявий ва иқтисодий доираларга нисбатан уларнинг тўлиқ ишончи ва ўзаро тушуниши қийин, аммо қашшоқлик ва бойлик ўртасидаги мурося бир қатор асосий шартларга риоя қилган ҳолда, жуда муҳим. Замонавий Янги Ўзбекистонда бундай муросяга эришишнинг энг муҳим шarti бозор иқтисодиётига асосланган тизимга тўлиқ ўтишдир.

Шахсда кучли маънавиятни шакллантиришда инновацион технологияларнинг ролини оширишга оид қарашларни назарий методологик жиҳатдан илмий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий вазифа шахс маънавиятини ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигига тааллуқли илмий ҳақиқатни аниқлашдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Хусейнова А. А. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – Т. 7. – №. 5.
2. Kholmurodov N. Q. POVERTY REDUCTION AS AN IMPORTANT FACTOR IN ENSURING SOCIAL STABILITY //Oriental Journal of Social Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 03. – С. 73-81.
3. Нозимжон К. Холмуродов ИСЛОМ ДИНИДА КАМБАҒАЛЛИК МУАММОСИ ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ЁНДАШУВЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ // ОJНPL. 2022. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/islom-dinida-kamba-allik-muammosi-va-uni-is-artirish-b-yicha-yondashuvlarning-ziga-hos-hususiyaatlari> (дата обращения: 29.08.2022).
4. Холмуродов Н. Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш омиллари (Бухоро вилояти мисолида) //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 6/S. – С. 188-193.
5. Хусейнова А. А., Аслонов Ф. Т. Глобаллашув шароитида дахлдорлик тарбиясининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 1252-1257.
6. Намазова, Нодира Джумаевна. "Пути повышения качественных составляющих использования трудового потенциала малого предпринимательства." (2022): 197-206.
7. Хусейнова, Абира Амановна. "Соҳа лингвистикасини ривожлантириш—давр талаби." *Conferences*. 2021.

8. Хусейнова А. Янги Ўзбекистон шароитида одам савдосига қарши курашнинг маънавий ва ҳуқуқий асослари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 6/S. – С. 179-187.
9. Xolmurodov N. Q. O ‘ZBEKISTONDA KAMBAG ‘ALLIKNI BARTARAF QILISHNING O ‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 7. – С. 379-385.
10. Намазова Н. Д. МЕСТО СОВРЕМЕННОГО ВУЗА В РАЗВИТИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 916-925.
11. Nizamov A. B., Namazova N. D. TOWARDS MODERNIZATION OF MARKET COMPETENCE OF GRADUATES OF SECONDARY SPECIALIZED, VOCATIONAL EDUCATION //55th Science Conference of Ruse University, Bulgaria. – 2016. – С. 261-266.
12. Хусейнова А. А. Воздействие результатов независимого оценивания на учебную мотивацию //ЦИТИСЭ. – 2021. – №. 1. – С. 258-266.
13. Gadoeva L. E. Ethnomedical Culture And Healthy Lifestyles: A Dialectical Relationship In Genesis //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – Т. 6. – №. 8. – С. 2875-2884.
14. Gadoeva L. E. QUALITY OF LIFESTYLE SOCIO-PHILOSOPHICAL CATEGORY //Oriental Journal of Social Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 03. – С. 62-66.
15. Karimova L. M. Abdurrahman Jami And Sufism //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – Т. 6. – №. 8. – С. 2866-2874.
16. Dr. Lola M. Karimova. (2022). IDEOLOGICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF ABDURAHMAN JAMI’S VIEWS ON THE EDUCATION OF THE YOUNG GENERATION. American Journal Of Social Sciences And Humanity Research, 2(07), 28–34. <https://doi.org/10.37547/ajsshr/Volume02Issue07-04>
17. Karimova, Lola Muzaffarovna. "Abdurahman Jami’s views on Humanity (Source Study)." (2021).
18. Chorjeva, Madina A. "SOCIO-POLITICAL, CULTURAL AND SPIRITUAL LIFE OF CENTRAL ASIA AND IRAN IN THE X-XI CENTURIES." *Journal of Social Research in Uzbekistan* 2.01 (2022): 52-63.
19. Kholmurodov N. Q. POVERTY REDUCTION AS AN IMPORTANT FACTOR IN ENSURING SOCIAL STABILITY //Oriental Journal of Social Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 03. – С. 73-81.